

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМАТОВА МЕХРИНИСО НАСРИДИНОВНА

**ИНСУЛИНРЕЗИСТЕНТЛИК СИНДРОМИДА ТОМИР ТРОМБОЦИТАР
ГЕМОСТАЗ ҲОЛАТИ**

**14.00.29 – Гематология ва трансфузиология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исматова Мехринисо Насридиновна

Инсулинрезистентлик синдромида томир тромбоцитар

гемостаз ҳолати..... 3

Исматова Мехринисо Насридиновна

Состояние тромбоцитарного звена гемостаза при синдроме

инсулинрезистентности..... 23

Ismatova Mehriniso Nasridinovna

State of platelet hemostasis in insulinresistance syndrome..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМАТОВА МЕХРИНИСО НАСРИДИНОВНА

**ИНСУЛИНРЕЗИСТЕНТЛИК СИНДРОМИДА ТОМИР ТРОМБОЦИТАР
ГЕМОСТАЗ ҲОЛАТИ**

**14.00.29 – Гематология ва трансфузиология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Tib442 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбарлар:

Махмудова Азиза Джумановна
тиббиёт фанлари доктори

Қаюмов Улугбек Каримович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сулейманова Дилора Нағаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тўлабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «22» декабрь соат 19.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 730 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «10» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «10» декабрь даги _____ рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.А. Бабаджанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Тиббиёт фани ва амалиётининг долзарб муаммолардан бири инсулинрезистентликга асосланган метаболик синдром (МС) ни ўз ичига олади. Замонавий таърифга кўра, «инсулинрезистентлик» мақсадли тўқималарни, биринчи навбатда, жигар, мушак ва ёғ тўқималарини инсулин билан рағбатлантиришга биологик жавобнинг бузилиши сифатида тавсифланади. «...инсулинрезистентлик глюкоза ўзлаштирилишини ёмонлаштиради, бу эса бета-хужайралар ва гиперинсулинемия билан инсулин ишлаб чиқаришнинг компенсацион ўсишига олиб келади...»¹. Шу жумладан, «...инсулинрезистентликнинг метаболик таъсири гипергликемия, артериал гипертензия, дислипидемия, висцерал семизлик, гиперурикемия, яллиғланиш белгилари, эндотелиал дисфункция ва протромботик ҳолатни юзага келади...»². Бунинг оқибатида, юрак қон-томир тизими, овқат ҳазм қилиш тизими, буйрак, асаб тизими бошқа аъзолар касалликлари юзага келади. Инсулинрезистентлик синдроми мавжуд бўлганда, бу касалликлар эрта ривожланиб оғир кечади ва турли хил асоратлар кузатилади.

Жаҳон миқёсида метаболик синдром ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган хавф омилларини аниқлаш борасида, метаболик синдром ривожланишида асосий хавф омилларининг таъсирини баҳолаш, инсулинрезистентлик синдроми мавжуд беморларда гиперкоагуляцион синдром ривожланишида гемостаз тизими ва тромбоксан А2 кўрсаткичларининг фаоллигини аниқлаш, метаболик синдромнинг алоҳида таркибий қисмларида гемостаз тизими кўрсаткичлари билан ўзаро корреляцион боғланишларни баҳолаш йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Юқоридагилар билан бир қаторда метаболик синдром ва унинг хавф омиллари билан боғлиқ гемостаз тизими бузилишларини эрта ташхислаш, юрак-қон томир ҳамда эндокрин тизими касалликлари асоратларини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини халқаро стандартлар асосида сифатли ривожлантириш, юқумли бўлмаган касалликлар ва уларнинг хавф омилларини олдини олиш, шу жумладан, метаболик синдромда гемостаз тизими бузилишлари билан боғлиқ юрак қон-томир тизими касалликларини (ЮҚТК) олдини олиш, шунингдек, тегишли вазифаларни амалга ошириш учун «...соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касаллик ва уларнинг хавф омиллари бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш...»³ долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–

¹ Freeman A., Pennings N. Insulin Resistance. In: StatPearls. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2020.

² Seong J, Kang JY, Sun JS, Kim KW. Arch. Pharm. Res. 2019 May;42(5):383-392.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори.

5590–сон фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4063 Қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4891 Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йуналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида МС ни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маълумки, 2-тип қандли диабет, юрак қон-томир ва бошқа касалликларни ривожланишида метаболик синдром муҳим роль ўйнайди. (International Diabetes Federation Atlas, 9th edition, 2019; ADA, 2019; World health organisation, 2017). Метаболик синдромни ўрганиш дунёнинг бир қатор илмий-тадқиқот марказларида устувор йўналиш ҳисобланади. Халқаро тадқиқотларнинг натижаларига кўра, гипергликемия аксарият ҳолларда гиперкоагуляцияга олиб келади (Carr ME., 2002). Аммо ҳозирга қадар гипергликемия ва коагуляцияга мойилликни кучайтирадиган аниқ механизмлар тўлиқ ўрганилмаган. Шу жумладан, Россия Федерацияси олимлари фикрига кўра, метаболик синдромда гемостаз бузилиши цитокинлар билан боғлиқ деб изоҳланган (Damsgaard CT, Biloft-Jensen A, Tetens I, et al., 2017). 1983-йилда Hughes ва ҳаммуаллифлар ретинопатия ёки қон томир касалликларининг клиник белгилари бўлмаган 37 та қандли диабетнинг 2 типни бўлган беморларнинг тахминан ярми гиперактив тромбоцитлар мавжудлигини кўрсатишди ва бу самарали эугликемияга эришилганда тикланиши мумкин. Ушбу тадқиқотлар қон томир касалликлари аниқланмаган беморларда ўтказилганлиги, гиперкоагуляция қон томир асоратларини ривожланишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади. Шундан сўнг кўплаб тадқиқотларда қандли диабет касалликларида гиперкоагуляция мавжудлигини кўрсатди ва кўпинча қон томир жароҳати билан боғлиқ белгилар пайдо бўлишидан олдин юзага келиши аниқланди ((Rowley WR, 2017; Zaccardi F., 2017. Шу билан бирга, мавжуд адабиётларда гемостаз тизимининг бузилиши ва унинг МС ҳамда унинг асосий таркибий қисмларини (шу жумладан, гипергликемия) турли хил касалликларнинг коморбид ҳолати ва ўлимни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган алоҳида хусусиятлари ҳақида етарли маълумотлар йўқ. Шунинг учун, гемостаз хавфини ва прогнозини баҳолаш зарурлигига асосланиб, МС нинг асосий таркибий қисмларининг таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказиш керак.

Ўзбекистонда ўтган 30 йил давомида МС бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Аҳоли ўртасида метаболик синдром ва унинг таркибий қисмлари (Каюмов У.К., 1991, 2019; WHO, 2014; Исмаилов С.И., 2019; Ўринов О., Алиханова М.Н., 2018) тарқалиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Соғлиқни сақлаш амалиётининг асосий йўналиши учун қандли диабетнинг хавф омилларини (Шагазатова Б.Х., 2013). скрининг ва интеграл баҳолаш дастури ишлаб чиқилган. Шунингдек, инсулинрезистентлик синдроми ва 2 тип қандли диабетда ЮИК клиник кечишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Хусусан, МС мавжуд бўлган беморларда ЮИК кўпроқ атипик ёки оғриқсиз кечиши исботланган (Исмаилов К. Я., 2003). Метаболик синдром сурункали буйрак касаллигининг клиник кечишида ҳам катта аҳамиятга эга. (Каримов М. М., 2015). Ўзбекистон аҳолисида қандли диабет ва метаболик синдромда нефропатияга олиб келувчи генотип ҳақида маълумотлар келтирилган. (Даминова К. М., 2011). Сурункали пиелонефрит (Аслонов И. Ж., 2010) ривожланишида хавф омилли сифатида МС нинг муҳим роли кўрсатилган. Подагрининг клиник кечишида инсулинрезистентликнинг ўрни аниқланган. (Абдуҳақимова Н. А., 2011). МС симпатoadренал тизимни фаоллаштириш орқали юрак-кон томирларига таъсир кўрсатиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. (Ўзбекова Н. Р., 2014).

Шу билан бирга, ушбу тадқиқотларнинг аҳамияти катта бўлса ҳам, биз ўрганган адабиётларда ҳозирга қадар МС нинг асосий таркибий қисмлари ва уларнинг биргаликда келган турли тоифаларида гемостаз бузилишларининг аҳамияти ҳақида етарли маълумот йўқ. Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, республика шароитида МС мавжуд беморларда гемостаз бузилиши хавф омилларини баҳолаш ва юрак қон-томир касалликларини олдини олиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг илмий иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 002276 «Метаболик синдром ва унинг ички касалликлар шаклланиши ва кечишидаги ўрни» (2015-2019) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: метаболик синдром хавф омиллари ва гемостаз тизими ҳолатини аниқлаш асосида, уни эрта ташхислаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

метаболик синдром ривожланишида асосий хавф омилларининг таъсирини баҳолаш;

инсулинрезистентлик синдроми мавжуд беморларда гиперкоагуляция синдроми ривожланишида томир тромбocитар гемостаз ва тромбоксан А2 кўрсаткичларининг фаоллигини асослаш;

метаболик синдромнинг алоҳида таркибий қисмларининг гемостаз тизими кўрсаткичлари билан ўзаро корреляцион боғланишларни баҳолаш;

метаболик синдром ва унинг хавф омиллари билан боғлиқ гемостаз тизими бузилишларини эрта ташхислаш ва олдини олиш учун мобил дастур ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ретроспектив 366 нафар бемор амбулатор картаси ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиология бўлимидан 40-60 ёшдаги 90 нафар бемор, назорат гуруҳи учун 60 нафар соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анкета сўровнома, гемостаз тизими ва биокимёвий кўрсаткичларни миқдорий аниқлаш учун беморлар ва шартли соғлом шахсларнинг веноз қони ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда саволномалар, эпидемиологик усуллар, умумий клиник, биокимёвий, гемостазиограмма ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

метаболик синдромда тромбоцитларнинг адгезия ва агрегация фаоллигининг кучайиши ва тромбоксан В2 миқдорининг ошиши, гиперкоагуляция шаклланишига олиб келиши исботланган;

инсулинрезистентлик синдромида углеводлар ва липидлар алмашинувининг ўзгариши, қон томир деворининг ўтказувчанлиги бузилиши оқибатида томир тромбоцитар гемостаз фаоллиги кучайиб, тромбоксан В2 миқдорининг ошишига сабаб бўлиши исботланган;

илк бор метаболик синдром таркибий қисмлари (гиперлипидемия, қон босими ошиши, Кетле индекси ўзгариши) билан тромбоцитлар агрегацияси кучайиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

инсулинрезистентлик синдроми мавжуд беморларда гемостаз бузилишида комплекс даво таркибига бигуанидлар ва антиагрегантлар қўллаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инсулинрезистентлик синдроми мавжуд беморларда гемостаз бузилиши (қон гиперкоагуляцияси) хавф омилларини эрта аниқлаш чора тадбирлари, адгезия ва агрегация ҳамда тромбоксан А2 кўрсаткичларини аниқлаш, тромбогенез бузилишида антиагрегацион терапия қўллашни баҳолаш такомиллаштирилган;

инсулинрезистентлик синдромда беморлар учун гемостаз бузилиши ривожланишининг эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

инсулинрезистентлик синдромли беморларда юрак-қон томир касалликлари хавф омиллари ва ташхислаш мезонларини ҳисобга олган ҳолда, тромбоэмболик асоратлар хавфини эрта аниқлашга қаратилган алгоритм ишлаб чиқилган;

мобил дастур ёрдамида инсулинрезистентлик синдроми мавжуд беморларда гемостаз бузилиши ва тромбоэмболик асоратлар ривожланиш хавфини башорат қилиш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот ишида қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник, асбобий, лаборатор, гемостазга

оид текшириш усуллари ҳамда етарли беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар, натижаларнинг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги билан изоҳланади. Олинган натижалар хорижий ва маҳаллий тадқиқот маълумотлари билан таққосланганлиги ва хулосалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гемостазнинг ҳолати билан МС нинг асосий таркибий қисмларининг қиёсий аҳамияти ҳақида аниқ маълумотлар олинган бўлиб, унинг таркибий қисмлари аҳамияти гемостаз тизими бузилишларининг мавжудлиги ва даражасига боғлиқ эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гемостазнинг асосий кўрсаткичлари ва МС нинг таркибий қисмлари билан коморбид боғланишни танқидий баҳолаш ҳамда ушбу синдромга эрта ташхис қўйиш ва олдини олиш, хавф даражасини баҳолаш, уларни даволаш усуллари такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метаболик синдромнинг асосий таркибий қисмларини турли тоифаларида гемостаз касалликларининг қиёсий аҳамиятини аниқлаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида:

«Метаболик синдромда тромбоцитар гемостазни меъёрлаштириш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 8н-д/317-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома метаболик синдромнинг хавф даражасини баҳолашнинг аниқлигини ошириш имконини берган.

«Метаболик синдромда гемостаз тизимини баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 8н-д/317-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гемостаз тизими ҳолатини баҳолаш турли хил асоратлар хавфини камайтириш ва ногиронликнинг олдини олиш имконини берган.

МС мавжуд беморларни ўз вақтида даволаш ва олдини олиш тадбирларини ўтказиш, турли хил асоратлар, ногиронлик хавфини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш соҳаси амалиётига, жумладан, Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Бухоро шаҳридаги 3-сон оилавий поликлиникаларнинг клиник амалиётига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 6-ноябрдаги 8-з/147-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши метаболик синдромга аниқ ташхис қўйиш усуллари такомиллаштириш, даво муддатларини қисқартириш ва тромбоэмболик асоратларни камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти ҳамда ушбу ишга талаб асослаб берилган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари баён этилган, ишнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг – **«Гемостази меъёрлаштириш бўйича замонавий ғоялар ва инсулинрезистентликнинг этиопатогенетик аҳамияти ҳамда бошқа хавф омиллари»** деб номланган биринчи бобида метаболик синдромнинг тарқалиши ва гемостаз дисрегуляциясидаги роли тўғрисидаги замонавий маълумотлар баён қилинган. Шу жумладан, гемостаз бузилишларининг оғир кечиши ва асоратлар ривожланишида метаболик синдром таркибий қисмларининг ўрни ва патогенетик боғлиқлиги таҳлил қилинган. Гемостаз тизими ҳолатини ва тромбоксан А2 нинг патологик жараёнлардаги ролини ўрганиш, метаболик синдромни эрта ташхислаш ҳамда даволаш долзарб ва зарур эканлиги асосланган.

Диссертациянинг иккинчи **«Клиник материаллар ва тадқиқот усулларининг хусусиятлари»** бобида беморларнинг умумий тавсифи, лаборатория, асбобий ва статистик усулларни ўз ичига олган.

Диссертацияда икки қисмли тадқиқот иши натижалари ишлатилган. Тадқиқотнинг бир қисми, Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи 90 нафар метаболик синдроми мавжуд беморларда олиб борилган. Иккинчиси, Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ўтказилган (366 киши) истиқболли тадқиқот натижаларини ўз ичига олади. Дастлабки текширувдан сўнг, барча беморлар 12 йил давомида кузатилган ва қайта текширилган. Тадқиқотда жами 456 нафар шахслар бўлиб, назорат гуруҳи учун 60 нафар соғлом шахслар танланган. Жами кузатувларда бўлганлар 516 кишидан иборат бўлиб, улар қуйидагича гуруҳларга ажратилганлар. Метаболик синдромнинг асосий таркибий қисмлари мавжуд бўлган гуруҳ ва улар орасидан қуйидаги таққослаш кичик гуруҳлари: а) инсулин резистентлик синдроми аниқланган, антиагрегант ва антикоагулянт қабул қилган шахслар А (n=45); б) инсулин

резистентлик синдроми бўлган антиагрегант, антикоагулянт ва метформин қабул қилган беморлар В (n=45). Барча гуруҳлар асосий демографик ва клиник кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинган.

«Тадқиқот материаллари ва усуллари» Тиббий кўрик қуйидаги усулларни ўз ичига олди: сўровнома, биокимёвий, асбобий тадқиқотлар. ЎЗР ССВ этика қўмитасида тасдиқланган сурункали юқумли бўлмаган касалликларни (У.К.Каюмов, 2019) текшириш учун сўровномадан фойдаланилди (№2/36-1020 28.02.2019й.). Ушбу сўровнома беморларнинг турли ижтимоий, демографик, психологик хусусиятларини акс эттиради.

Асбобий усуллар: - ЭКГ умум қабул қилинган 12 тармоқларда тинч ҳолатда олинган ва унинг ёрдамида миокард инфаркти, миокардда ишемик ўзгаришлар, гипертрофия, ритм ва ўтказувчанлик бузилишлари аниқланган; - қон босимини баҳолашда икки марта ўтказилган ўлчовларнинг ўртача қийматлари камида 2 дақиқа оралиғида ҳисобга олинган. ЖССТнинг артериал гипертензиянинг (АГ) (2007) таснифига мувофиқ қуйидаги тоифалар ажратилган: оптимал қон босими систолик қон босим (СҚБ) <120; диастолик қон босими (ДҚБ) <80 мм.сим.устуни; меъёрида (СҚБ < 120-129; ДҚБ < 85-84); юқори меъёрида (СҚБ 130-139; ДҚБ 85-89); 1 даража АГ (СҚБ 140-159; ДҚБ 90-99); 2 даража АГ (СҚБ 160-179; СҚБ 100-109); 3 даража АГ (СҚБ > 180; ДҚБ > 110). Қон босими кўрсаткичларини баҳолашда тавсия этилган тартибларга қатъий амал қилинди.

- ортиқча тана вазни (ОТВ) Халқаро семизлик гуруҳининг (1997) тавсияларига мувофиқ баҳоланди ва Кетле индексида (КИ) қайд этилди ҳамда бу кўрсаткич 25-29 бўлганида ортиқча тана вазни (ОТВ) деб, ≥ 30 бўлганда семизлик деб қабул қилинди.

Қоннинг биокимёвий таҳлиллари ўтказилди. Бунинг учун билак венадан камида 12 соат очликдан кейин қон олинган:

- липид метаболизмининг ҳолати триглицеридлар (ТГ), β -липопротеидлар (β -ЛПП) ва холестерин (ХС) даражалари ёрдамида ўрганилди. Унда қуйидаги дислипидемия мезонларига асосланилди: гиперхолестеринемия (ГХ) - ХС >6,1 ммоль/л; гипертриглицеридемия (ГТГ) – ТГ >1,7 ммоль/л, гипербетталипопротеидемия (ГВЛИП) – β -липопротеид микдори >55 оптик бирлик;

- глюкозага толерантлик ҳолати ЖССТ (1999) мезонларига кўра, стандарт глюкоза толерантлик тести (ГТТ) кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Гликемия оч қоринга ва 250 мл. сувда эритилган 75 грамм глюкоза ичирилгандан сўнг 2 соатдан кейин ўрганилди. Натижаларни баҳолаш мезонлари қуйидагича амалга оширилди (ммоль/л да): глюкоза учун меъёрий толерантлик; оч қоринга гликемия даражаси <6,1 ва 2 соатдан кейин гликемия <7,8; оч қоринга гликемия бузилиши: оч қоринга гликемия даражаси $\geq 6,1$ аммо <7,0 ва 2 соатдан кейин гликемия <7,0; глюкозага толерантлик бузилиши (ГТБ) юкламадан кейинги (постпрандиал гипергликемия): оч қоринга гликемия >7,0 ва гликемия 2 соатдан кейин $\geq 7,8$ ва <11,1; қандли диабет: гликемия оч қоринга $\geq 7,0$ ва 2 соатдан кейинги гликемия $\geq 11,1$. Глисемик егри чизикнинг симптоадrenal босқичи

фаолиятининг бузилиши шакар юкланмадан бир соат кейин глисемия даражаси билан баҳоланди (глюкоза юкланмадан бир соат кейин глисемия $\leq 8,8$). Шакар юкланмадан икки соатдан кейин 7,8 дан юқори глисемия даражасида, лекин 11.1дан кам булганида глисемик егри чизикнинг иккинчи босқичи патологияси қайд етилди (вагоинсуляр босқичи).

- глюкозилланган гемоглобин (HbA1c) таркиби веноз қондад олиниб калорометрик усул билан аниқланди. HbA1c 5,7%дан паст даражаси нормал деб хисобланди; HbA1c 5,7%дан 6,4%гача бўлганида глюкозага толерантликни бузилиши деб баҳоланди (ГТВ) ва HbA1c даражаси 6,4%дан ортиқ бўлганида қандли диабет аниқланди.

- инсулинга резистентлик - НОМА-IR индекси = нахорги инсулин (мкЕд/мл) x нахорги глюкоза (ммоль/л)/22,5 ёрдамида инсулин резистентлик холати аниқланди. НОМА-IR индексининг кўрсаткичи 2,7 бирликдан ошганда инсулинрезистент холати аниқланган.



Гемостаз тизимини ўрганиш буйича қуйидаги текшириш усуллари амалга оширилди: 1. Томир-тромбоцитар гемостазни тавсифловчи тестлар веноз қондаги тромбоцитлар сонини аниқлаш, тромбоцитларни адгезияси (АДГ) ва агрегациясини (АГТ), индуцирланган АДФ (1,0-0,5 ммоль) реактиви билан тромбоксан А2 нинг стабил метаболити тромбоксан В2 аниқлашни ўз ичига олган. 2. Коагуляцион гемостазга оид текширишлар: қон ивиш вақти, тромбин вақти, протромбин индекси, халқаро нисбий бирлик(ХНБ), фибриноген, қисман фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ).

Гемостаз тизимини ўрганиш томир-тромбоцитар ва иккиламчи гемостаз холатини тавсифловчи бир неча параметрлар бўйича амалга оширилди. ПТИ, ПТВ, ҚФТВ, ХНБ фибриноген кўрсаткичлари таҳлили Human Glot Junior (НС – 4127 Germany) коагулометрида амалга оширилди. Тромбоцитлар адгезия ва агрегацияси эса АЛАТ-2 «БИОЛА» (АСС 748,Россия) анализаторида АДФ реактиви билан килинди. Тромбоксан А2 стабил метаболити тромбоксан В2 иммунофермент таҳлили усулида Mindray (Хитой) анализаторида «Генотехнология» (Тошкент) лабораториясида амалга оширилди.

Материаллар статистикаси биомедикал тадқиқотларни таҳлил қилиш учун мўлжалланган MedCalc дастуридан (<https://www.medcalc.org>) фойдаланган. Юқори кўрсаткичлар, миқдорий кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ва уларнинг ўртача квадрат фарқлари ($M \pm \delta$) ҳисоблаб чиқилган. Маълумотлар кетма-кетлигининг миқдорий кўрсаткичлари ўртасидаги алоқани ўрганиш корреляция таҳлиллари ёрдамида амалга оширилди (корреляция коэффиценти -r). Ўрганилаётган кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги Стьюдента (t) мезонлари ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг **«Метаболик синдромнинг асосий таркибий қисмларининг тарқалиши ва даражалари динамикасини ўрганиш»** деб номланган учинчи бобида кардиоваскуляр хавфни юзага келишида гемостаз кўрсаткичларининг аҳамиятини объектив баҳолаш ва биргаликда келган касалликлар ҳамда хавф омиллари билан боғлиқлиги таҳлили келтирилган, чунки, гемостазиограмма кўрсаткичларининг метаболик синдромни асосий таркибий қисмлари билан алоқаси катта қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга,

ундан олдин АГ, ҚД ва ГТБ, дислипидемия, семизлик ва ОТВ кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси ўрганилди (1-расм).



1-расм. 12 йил давомида хавф омилларининг тарқалиш динамикаси (%)

Маълумки, ЮИК хавфини етарли даражада баҳолаш хавф омилларига нисбатан эпидемиологик вазиятга, уларнинг даражаларига ва тарқалишига, шунингдек, ушбу кўрсаткичларнинг динамикасига боғлиқ. Бирламчи скрининг ва қайта кўрикда АГ сони 1,5 марта ошганлиги аниқланди. Шунини таъкидлаш керакки, кўпчилик популяцияон тадқиқотларда аҳолининг ёши ортиши билан АГ сонини ҳам ўсишига олиб келиши қайд этилган. ҚДнинг тарқалиши 2,6 мартага ошган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бир қатор истиқболли тадқиқотлар натижалари асосида дунёда ҳар 10 йил ичида ҚД тарқалишининг икки баробар ортиши кузатилади. Олинган маълумотлар ўрганилаётган популяцияда ҚД

тарқалишининг ўсиш суръати дунё аҳолиси кўрсаткичларига нисбатан анча юқорилигини кўрсатди.

Тадқиқот давомида ГТБ сони 1,4 мартага камайди. Бироқ, гликемик эгрилик турли босқичларида бузилишнинг тарқалиш динамикаси ноаниқ эди. Шундай қилиб, симпатоадренал фаза гликемик эгрилиги бузилиши билан боғлиқ глюкозага толерантликни бузилишлари сони камайиши билан, вагоинсуляр фаза гликемик эгриликда сезиларли ўзгариш мавжуд. Симпатоадренал ва вагоинсулар фазаларнинг гликемик эгрилиги бузилишининг тарқалишининг салбий динамикаси аниқ эмас.

Глюкозага толерантликни бузилишлари сони тарқалиш динамикасининг бундай кўриниши ва гликемик эгрилик турли босқичларининг бузилиши, бемор ёши ошгани сайин инсон организмида юзага келадиган физиологик ва патогенетик хусусиятларга боғлиқ. Ёш улғайган сари симпатоадренал тизимининг фаолияти камаяди, бу гликемик эгрилик 1 фазасининг фаолиятига боғлиқ ва маълум даражада глюкоза юкламасидан кейин 1 соат ичида гипергликемия билан боғлиқ, бу глюкозага толерантликни бузилиш сонининг пасайиши оқибати деб тушунтирилади. Шу билан бирга, гликемик эгрилик 2 босқичининг бузилиш сонининг ошиши турли хил контринсуляр омилларнинг ёш ортиши туфайли инсулин фаоллигининг пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.


Кузатиш даврида ортиқча тана вазни булган шахсларни сони сезиларли даражада пасайгани кузатилди. Қатор, жумладан, мустақил мамлакатлар ҳамдўстлиги давлатлари, хусусан, Россияда ушбу муаммога бағишланган ҳолат турмуш тарзи ва овқатланиш табиатидаги ўзгаришлар билан изоҳланади. Шунингдек, гиперлипидемия турларининг тарқалиши динамикасида ҳам ноаниқликлар бор. Глюкозага толерантликни бузилиши ва β -гиперлипидемия тарқалишининг сезиларли ўсиши билан бир қаторда, гиперхолестеринемия сонининг пасайиши кузатилди. Олинган натижалар турли хил гиперлипидемияларнинг тарқалишининг ҳар томонлама динамикасида янада чуқурроқ ўрганиш учун, махсус тадқиқотлар ўтказиш лозимлигини кўрсатади.

Олинган натижалар, жаҳонда аҳоли умр кўришининг узайиши сабабли, АГ тарқалиши кўпаймоқда деган хулосага келиш мумкин. Ёш ортиши билан гипергликемик ҳолатларнинг тарқалиши ҳам ортади. ҚД сони ва гликемик эгрилик вагоинсулар фазасининг бузилишлари ҳамда симпатоадренал фаза гликемик эгриликлари ўзгаришларининг тарқалиши камаяди.

Тана вазни индекси кўрсаткичларини ёш ошгани сайин камайиши аҳолининг ўсиш ва вазн хусусиятларининг ўзгаришларини тўлиқ акс эттирмайди. Шунинг учун тана оғирлигини гуруҳларда алоҳида ўсиш ва тана вазни индекси динамикасини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Гиперхолестеринемия аниқланган беморлар ва унинг даражаларини ёшга қараб ўсиши ўз вақтида профилактика чораларини ўтказиш учун ушбу хавф омилни фаол аниқлашнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.


Холестериннинг турли ёшдаги кишиларда унинг турлича ўзгариши кузатилиши аниқланди (2-расм).



2-расм. Хавф омиллари бўйича ўрганилаётган турли комбинацияларнинг ёш гуруҳларида тарқалиши (%)



Систолик АГ энг юқори ўсиш 50 ёшдан сўнг кузатилди. АГ тана вазни индекси ва глюкозага толерантликни бузилиши билан боғлиқ ва ёш ортиши билан холестериннинг кўрсаткичлари ҳам ошади. Шунингдек, тана вазни индекси ҳамда гиперхолестеринемия билан глюкозага толерантликни бузилишининг комбинацияси мавжуд эмас. Тана вазни индекси, АГ ва глюкозага толерантликнинг бузилиши билан гиперхолестеринемиянинг ёш комбинацияси ўртасида ҳеч қандай алоқалар аниқланмади. Барча гиперхолестеринемия МС билан қўшилиб келиши ёш ошиши билан ортиб боради. Аммо гиперхолестеринемиянинг бу тури энг юқори учраши ва статистик жиҳатдан ишончли ўсиши 40 ёшдан кейин содир бўлади ва 60 ёшгача давом этади. Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар ёш ва гиперхолестеринемия ҳамда уларнинг кўрсаткичи комбинацияси ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Метаболик синдромда томир тромбоцитар гемостаз кўрсаткичларининг ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот натижалари қонда тромбоцитлар микдори меъерий ($244,0 \pm 8,14 \times 10^9/\text{л}$) кўрсаткичини кўрсатди. Аммо тромбоцитлар функционал фаоллиги ўрганилганда назорат гуруҳидагилардан нисбатан фарқ килиши аниқланди. Тромбоцитлар адгезияси назорат гуруҳидагиларга қараганда 2,37 мартабага ошганлиги ($p < 0,001$), тромбоцитлар агрегацияси эса АДФ индуцирланган юқори (1 ммоль) ва паст (0,5 ммоль) концентрацияда 1,8 ($p < 0,01$) и 1,76 ($p < 0,01$) мартабага ошганлиги аниқланди. (3-расм).



3-расм. Асосий ва назорат гуруҳи беморларида адгезия ва агрегация кўрсаткичлари ва тромбоцитлар функциялари.

Бу натижалар МС мавжуд беморларда қонда глюкоза ва умумий холестериннинг ошиши натижасида қон қовушқоқлигининг ошиши билан боғлиқ.



4-расм. А и Б гуруҳларда гемостаз кўрсаткичлари ўзгариш фарқлари.

Бундан ташкари ушбу беморларда тромбоксан А2 2,69 баробар ($p < 0,001$), ҚИВ эса 3,3 баробар ($p < 0,001$) қисқарганлиги аниқланди (4-расм). Аммо ХНБ ва ҚФТВ кўрсаткичларида фарқлар аниқланмади. Шунингдек таъкидлаш керакки, бир томондан боғлиқлик кўрсаткичлари ва бошқа томондан ҚФТВ ($20,0 \pm 1,4$ сек) назорат гуруҳида ($27,18 \pm 2,8$ сек), ва ХНБ ($0,89 \pm 0,01$ против $1,01 \pm 0,01$) ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар мавжуд бўлмади. Аммо, метаболик синдроми мавжуд беморларда тромбин вақти 1,34 марта, ПТИ ва фибриноген эса 1,3 ва 1,6 мартаба ошганлиги аниқланди.

Лекин қон босими кўрсаткичлари ва тромбоксан билан аниқ ва ишончли ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, юқори ва ишончли боғлиқлик систолик қон босими ва тромбоцитлар сони ҳамда диастолик қон босими билан ишончлироқ боғлиқлик қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қон босими ва гемостазиограмма кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффицентлари кўрсаткичлари

Қон босими (мм.сим.устуни)	Тромб оксан	Тромбо цитлар	ХНБ	ҚФТВ	Фибри ноген	Протромбин индекси	Тромбин вақти
Систолик артериал босим	0,45*	0,31*	- 0,26*	- 0,10	0,27*	0,19	0,25*
Диастолик артериал босим	0,64*	0,37*	- 0,31*	- 0,20*	0,35*	0,32*	0,32*

Тана вазни индексининг ва липидларнинг гемостазиограмма кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқликни ўрганиш улар ўртасида ҳам боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал). Шу билан бирга, корреляцион боғлиқлик тромбоксан ва тромбоцитлар сонига нисбатан энг кўп ифодаланган.

2-жадвал

Кетле индекси, липидлар ва гемостазиограмма кўрсаткичларининг ўзаро корреляцион боғлиқлик даражаси

Қон босими (мм.сим.устуни)	Тромбок сан	Тромбо цитлар	ХНБ	ҚФТВ	Фибри ноген	Протромбин индекси	Тромбин вақти
Кетле индекси	0,66*	0,45*	- 0,28*	- 0,26*	0,39*	0,31*	0,35*
Холестерин	0,21*	0,18	- 0,11	- 0,14	0,24	0,20*	0,21
ТГ	0,43*	0,22*	- 0,34*	-0,45*	0,39	0,25*	0,36*
β-ЛПП	0,47	0,29*	- 0,35*	- 0,52*	0,43*	0,33*	0,40*

Холестерин миқдорини тромбоцитлар, ХНБ, ҚФТВ, фибриноген ва тромбин вақтлари билан боғлиқлиги аниқланмади. ХНБ ва ҚФТВга нисбатан салбий корреляцион боғлиқлик қайд этилди.

Бундан ташқари, гликемия даражасининг гемостаз кўрсаткичлари билан корреляцион боғланишлари ҳам ўрганилди (3-жадвал). Гликемия даражасининг энг катта ва ишончли корреляцион боғланишлари тромбоксан ва тромбоцитлар сонига нисбатан содир бўлганлиги қайд этилди.

3-жадвал

Ўртача гликемия даражалари ва гемостазиорамма кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция коэффициент кўрсаткичлари

Текширилган вақт	Тромбоксан	Тромбоцитлар	ХНБ	ҚФТВ	Фибриноген	Протромбин индекси	Тромбин вақти
Оч қоринга	0,27*	0,23*	- 0,22*	- 0,17	0,21	0,18*	0,19
1 соатдан сўнг	0,19	0,16	- 0,32*	- 0,08	0,18	0,12	0,16
2 соатдан сўнг	0,33*	0,38*	- 0,45*	- 0,21*	0,38*	0,36*	0,42*

Шу билан бирга, глюкоза юкламасидан бир соат ўтгач, унинг гемостаз кўрсаткичлари билан статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлиги йўқлиги аниқланди. Ундан ташқари тадқиқот жараёнида гликозириланган гемоглобин даражаси билан гликемиянинг ўртача даражаси солиштириб ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал

Меъёрий гемостазиограммада метаболик синдроми мавжуд беморларда гликозириланган гемоглобиннинг турли даражаларида гликемик эгриликнинг (ммоль/л) турли нуқталарида гликемия кўрсаткичлари

НбА1 миқдори	Оч қоринга	Бир соатдан сўнг	Икки соатдан сўнг
НбА1с ≤5,6%	4,5 ммоль/л	6,4 ммоль/л	4,5 ммоль/л
НбА1с 5,7дан 6,4% гача	4,7 ммоль/л	8,9 ммоль/л	6,7 ммоль/л
Қандли диабет НбА1с ≥6,5%	6,6 ммоль/л	13,6 ммоль/л	9,1 ммоль/л

Олинган маълумотларга кўра, гликемия кўрсаткичлари одатда гликозириланган гемоглобин кўрсаткичларининг хавф даражасига мос келади. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу жадвалда оддий гемостазиограмма ҳақида маълумот берилган. Гемостаз фаолиятининг ўрнини ўрганиш учун

ушбу кўрсаткичлар патологик гемостазиограммали шахсларда таҳлил қилинди (5-жадвал)

5-жадвал

Метаболик синдром мавжуд меъёрий гемостазиограммали беморларда гликозириланган гемоглобиннинг ва гликемик эгриликдаги гликемия миқдорининг (ммоль/л) ўзгаришлари

НbA1 миқдори	Оч қоринга	Бир соатдан сўнг	Икки соатдан сўнг
Меъёрий НbA1c ≤5,6%	5,2 ммоль/л	7,3 ммоль/л	5,9 ммоль/л
Қандли диабет хавфи НbA1c 5,7 дан 6,4% гача	5,8 ммоль/л	10,1 ммоль/л	7,4 ммоль/л
Қандли диабет НbA1c ≥6,5%	7,7 ммоль/л	15,8 ммоль/л	10,9 ммоль/л

Олинган маълумотларга кўра, гемостаз бузилиши кузатилганда ўрганилаётган барча кўрсаткичлар гемостаз бузилиши кузатилмаган гуруҳга нисбатан ошганлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, ЮИК хасталикларида гликемиянинг турли даражаларида НОМА-IR индексининг кўрсаткичлари ўрганилди (6-жадвал).

6-жадвал

Меъёрий гемостазиограммали метаболик синдром мавжуд бўлган турли тоифадаги гипергликемия учун НОМА-IR индексининг даражаси

МС	Гипергликемияни турли тоифаларида НОМА-IR индекс миқдори		
	Гипергликемия оч қоринга	Гипергликемия бир соатдан сўнг	Гипергликемия икки соатдан сўнг
Мавжуд	4,3 ед. *	5,7 ед. *	6,2 ед. *
Йўқ	2,0 ед.	3,8 ед.	3,3 ед.

Олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, ЮИК мавжуд беморларда инсулинрезистентлик даражаси гипергликемия тоифасига боғлиқ. НОМА IR индексининг энг кичик кўрсаткичлари гипергликемия билан боғлиқ бўлиб, энг катта кўрсаткич эса гликемик эгрилик вагоинсулар фазаси бузилган шахсларда кузатилади.


Инсулинрезистентлик синдромида гемостаз бузилишини аниқлаш учун юқорида келтирилган кўрсаткичлар патологик гемостазиограммали шахсларда таҳлил қилинди (7-жадвал).

Патологик гемостазиограммали метаболик синдром мавжуд беморларда турли тоифадаги гипергликемия учун НОМА IR кўрсаткичлари

МС	Гипергликемияни турли тоифаларида НОМА-IR индекси миқдори		
	Гипергликемия оч қоринга	Гипергликемия бир соатдан сўнг	Гипергликемия икки соатдан сўнг
Мавжуд	5,2 ед. *	6,9 ед. *	8,5 ед. *
Йўқ	2,4 ед.	4,1 ед.	4,6 ед.

Олинган маълумотларга кўра, гемостазиограмманинг патологик кўрсаткичлари бўлган шахслар меъёридаги гемостаз билан таққослаганда инсулинрезистентликнинг янада аниқ даражасига эгаллиги аниқланди. Шунини таъкидлаш лозимки, гемостаз касалликлари инсулинрезистентлик даражасининг ошишига статистик жиҳатдан сезиларли таъсир кўрсатади.

Инсулинрезистентликнинг барча турдаги метаболизмга таъсир қилишини ҳисобга олсак, метформиндан фойдаланиш гемостазиограмма кўрсаткичларига таъсир қилиши керак эди. Ушбу масалани ўрганиш мақсадида, коагуляцияон тизимнинг тромбоксан кўрсаткичи таҳлил қилинди. Бунинг учун МС касаллигида метформинни анъанавий терапияга киритмасдан (А кичик гуруҳи) ва киритган ҳолатда (Б кичик гуруҳи) кўриб чиқилди (5-расм).



5-расм. Метформинни қўллаш жараёнида тромбоксан даражасининг ўртача динамикаси

Олинган маълумотларга кўра, метаболик синдромли беморларда метформиндан фойдаланиш тромбоксан миқдорини камайишига ёрдам

беради. Шунини таъкидлаш лозимки, бу пасайиш статистик жиҳатдан аҳамиятга эга. Метаболик синдроми мавжуд турли хил даво тавсия қилинган А ва Б кичик гуруҳ беморларда гемостаз кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, гемостаз тизими фаоллигини ўзига хос ўзгарганлиги аниқланди. Бунда Б кичик гуруҳ беморларда гемостаз кўрсаткичларининг юқори ижобий динамик ўзгаришлари кузатилди. Шу билан биргаликда А кичик гуруҳ беморлар билан солиштириб таҳлил қилинганда, бу гуруҳ беморларда тромбоцитлар адгезияси 1,4 баробар, тромбоцитлар агрегацияси 1,44-1,2 баробар АДФ концентрациясига мос ҳолда, тромбоксан А2 1,5 баробар, кон ивиш вақти 1,7 баробар, ПТИ 1,13 баробар, фибриноген эса 1,3 баробарга ўзгарганлиги аниқланди.

Олинган натижалар қон гиперкоагуляцияси белгилари бўлган МС беморларда метформиндан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Гиперкоагуляция ҳолатида даволашда антиагрегант ва антикоагулянтлардан фойдаланиш зарурияти узоқ вақтлардан бери маълум. Шу билан бирга МС билан оғриган беморларда гиперкоагуляцияни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга табақалаштирилган ёндашув масаласи қизиқиш уйғотади.

"Гемостаз тизими бузилишларда метаболик синдром хавфи даражасини аниқлаш" деб номланган диссертациясининг бешинчи бобида юрак-қон томир (ЮҚТ) хавфини оширишда ўрганилаётган гемостаз кўрсаткичларнинг ролини тасдиқловчи материаллар келтирилган. ЮҚТ хавфи модели сифатида юрак ишемия касаллиги (ЮИК) ўрганилди. МС билан хасталанган ва гемостасиограммага бузилган беморларда ЮИКги гемостасиограммага нормал булган шахсларга нисбатан 5,7 марта кўп содир бўлиши кўрсатилган. Шу билан бирга, ЮИК нафақат тўлиқ МСда кенг тарқалган деб топилди. Тўлиқ бўлмаган МС билан хасталанган беморларда, шунингдек МСнинг алоҳида компонентлари мавжудлигида ҳам гемостаз бузилишлари ЮҚТ хавфини оширади.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида гемостаз касалликларида хавф даражасини аниқлаш имконини берадиган компютер учун математик дастур ишлаб чиқилди. Дастурга МСнинг асосий таркибий қисмлари ва ўрганилган гемостазнинг кўрсаткичлари бўйича маълумотлар киритилади. Дастур ЮҚТ хавфи даражасининг балларини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич 30 балгача бўлади. Баллар сони бўйича дастур хавф даражасини белгилайди - паст, ўрта, юқори ва жуда юқори.

Ишлаб чиқилган дастур хавф гуруҳига қараб шифокор ҳаракатларининг алгоритмини ишлаб чиқишга имкон берди. Шу жумладан, шифокорга гемостаз касалликларини даволаш учун стандарт дастурга қўшимча равишда бигуанидларни тайинлаш учун тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган МС мавжудлиги асосида таклиф этилади. Дастурнинг батафсил схемаси ва ҳаракатлар алгоритми диссертатсияда келтирилган. Ишлаб чиқилган алгоритм гемостаз тизимидаги бузилишларга қараб, МСнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасида ёрдам бериши мумкин.

ХУЛОСАЛАР

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун "Инсулинрезистентлик синдромида томир тромбоцитар гемостаз ҳолати" мавзусидаги диссертация иши натижаларига кўра қуйидаги хулосалар чиқарилиши мумкин:

1. Метаболик синдроми асосий таркибий қисмлари гиперхолестеринемия, гиперлипопротеидемия, гиперинсулинемия гемостаз кўрсаткичлари тромбоцитлар агрегацияси ва тромбоксан В2 ўзгаришлари билан ҳамма ҳам боғлиқлигини кўрсатди.

2. Метаболик синдроми мавжуд беморларда, асосан, гиперкоагуляция юзага келишида тромбоцитар гемостаз кўрсаткичларини ўрганиш орқали тромбоцитлар адгезия ва агрегациясининг кучайиши ҳамда тромбоксан В2 миқдорининг ошиши аниқланди ($p \leq 0,05$).

3. Метаболик синдроми мавжуд беморларда тромбоцитлар адгезия ва агрегацияси фаоллигини тромбоксан В2 орқали гемостаз бузилишини эрта аниқлашда ва тромбоэмболик асоратларни олдини олишдаги аҳамияти исботланди.

4. Гемостазнинг бузилишларини юзага келишида, инсулинрезистентликнинг роли ҳақидаги иш натижалари Соғлиқни сақлаш ташкилотларига метаболик синдромда гемостаз патологиясини олдини олиш ва даволаш учун тиббий-диагностика ва профилактика дастурларини илмий жиҳатдан режалаштириш ва амалга ошириш имконини беради.

5. Метаболик синдром мавжуд беморларда гемостаз бузилиши кузатилганда, ушбу иш натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, юрак-қон томир касалликларини олдини олиш ва улар билан боғлиқ аҳолининг ўлим даражасини ошириш хавфини камайтиради, шунингдек, янги рационал диагностика усулларини жорий этишнинг иқтисодий самарасини беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ИСМАТОВА МЕХРИНИСО НАСРИДИНОВНА

**СОСТОЯНИЕ ТРОМБОЦИТАРНОГО ЗВЕНА ГЕМОСТАЗА ПРИ
СИНДРОМЕ ИНСУЛИНОРЕЗИСТЕНТНОСТИ**

**14.00.29 – Гематология и трансфузиология
14.00.05 - Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/Tib442.

Диссертация выполнена в Бухарском медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководители:

Махмудова Азиза Джумановна
доктор медицинских наук

Каюмов Улугбек Каримович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сулейманова Дилора Нагаловна
доктор медицинских наук, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «22» декабрь 2020 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Разового научного совета на основе Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за 730). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «10» декабрь 2020 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от «10» декабрь 2020 года)



А.Г. Гадаев

Председатель Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь Разового научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Ш.А. Бабаджанова

Председатель научного семинара при Разовом научном совете на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из глобальных проблем современной медицинской науки и практики является «метаболический синдром (МС), в основе которого лежит резистентность к инсулину...»¹. Резистентность к инсулину - это нарушение естественной биологической реакции клеток органов-мишеней, которое приводит к ухудшению удаления глюкозы и компенсаторному увеличению выработки инсулина бета-клетками и развитием гиперинсулинемии. Вместе с тем, «метаболические последствия инсулинорезистентности могут привести к гипергликемии, гипертонии, дислипидемии, висцеральному ожирению, гиперурикемии, повышенным маркерам воспаления, эндотелиальной дисфункции и тромботическому состоянию...»². Вследствие этого формируется ряд заболеваний сердечно-сосудистой системы (ССС), органов пищеварения, почек, нервной системы и других органов. При этом, в условиях инсулинорезистентности, эти заболевания возникают раньше, протекают тяжелее и чаще дают различные осложнения.

В мире проводятся научные исследования по выявлению наиболее значимых факторов риска, которые могут являться предикторами МС, влияющими также и на патогенез этого синдрома; оценке состояния системы гемостаза, а также роли тромбоксана А₂ в развитии гиперкоагуляции крови при метаболическом синдроме; оценке корреляционных взаимосвязей между показателями системы гемостаза и компонентами метаболического синдрома. Вместе с этим, отдельное значение представляют разработка программ для ранней диагностики и профилактики метаболического синдрома в зависимости от факторов риска и нарушений в системе гемостаза.

В нашей стране в соответствие с требованиями международных стандартов для развития медицинской сферы, предупреждения и снижения осложнений неинфекционных заболеваний, в том числе диагностики и лечения метаболического синдрома посредством определения изменений в системе гемостаза определены такие задачи, как «повысить эффективность, качество и доступность медицинской помощи в стране, а также путем разработки эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации внедрить высокотехнологичные методы диагностики, лечения и профилактики заболеваний, поддержка здорового образа жизни...»³. Реализация этих задач позволит повысить уровень современной медицинской помощи в ранней диагностике и лечении МС и его осложнений, а также путем применения усовершенствованных современных технологий при оказании медицинского обслуживания снизить показатели инвалидности и смертности от осложнений МС.

1 Freeman A., Pennings N. Insulin Resistance. In: StatPearls. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2020.

2 Seong J, Kang JY, Sun JS, Kim KW. Arch. Pharm. Res. 2019 May;42(5):383-392.

3 Указ Президента Республики Узбекистан за № УП 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

Данное диссертационное исследование, направлено на предупреждение нарушений гемостаза и способствует решению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года УП за №5590 «О комплексных мерах по коренному усовершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», от 18 декабря 2018 года за №ПП-4063 года «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения», от 12 ноября 2020 года за №ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также задач обозначенных в других нормативно-правовых документах касающихся деятельности в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

